Беш йиллиқни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 139 (4855).

17 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МУСОБАҚАДОШ СИРДАРЕЛИКЛАР ВАКИЛЛАРИ ОБЛАСТИМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ҚЎШНИЛАР МАСЛАҲАТИ

Кеча областимизга қўшни мусобақадош Сирдарё область пахтакорларининг бир группа вакиллари келди. Ўзаро текшириш бригадасига меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область ижроия комитетининг раиси В. А. Хайдуров бошчилик қилмоқда. Шу куни мусобақадошлар группаларга бўлиниб областимиз колхоз ва совхозларига жўнаб кетдилар.

Биз ушбу мақолада Чиноз район хўжаликларида ўтказилган текшириш ҳақида батафсил фикр юритамиз.

Шу куни Тошкент область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси мусобақадош Сирдарё областига жўнаб кетди. Бригадага область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов бошчилик қилмоқда.

Сирдарё ва Чиноз районлари пахтазорлари дарё қиргоқларидан бошланади. Шунинг учун ҳам биз қўшниларимиз ишидан ҳаммавақт хабардор бўлиб турамиз. Ютуқларидан қувонамиз. Бизнинг камчиликларимизни улар, уларнинг камчиликларини бизлар бир-биримизга айтиб социалистик мусобақада умумий юксалишга эришиш учун курашамиз. Ҳақиқатан ҳам чинозликлар беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Агар улар ғўза парваришини бундан кейин ҳам шу зайлда давом эттираверсалар, она-Ватанга 37 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Биз районнинг «Қизил Октябрь», Карл Маркс номли, Собир Раҳимов номли, «Москва», «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида бўлдик. «Қизил Октябрь» колхози далаларини кўздан кечирганимизда пахтакорлар ва механизаторларнинг фидокорона меҳнат қилаётганлиги, ўзларининг юксак социалистик мажбуриятлари — гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш тўғрисидаги сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Яхши ўсиб, сершох бўлиб ривожланаётган ғўзаларда 3—4 тадан кўсак бор. Колхозчилар қаторларни юмшатиш, бегона ўтга қарши кураш ишларини қизғин давом эттирмоқдалар.

— Колхозимиз аъзолари, — дея бизга ҳикоя қилиб берди хўжалик раҳбари Жўра Очилов,— 750 гектар ернинг ҳар гектаридан бултур 36 центнердан пахта етиштирган эдилар. Бу йил биз 40 центнерни мўлжалламоқдамиз. Июлнинг қолган кунларида ва август ойи давомида парваришни сира бўшаштирмаймиз.

Биз бу колхоз аъзолари яшидан ҳанчалик хурсанд бўлган бўлсак, қўшни Карл Маркс номли колхоз далаларини кўздан кечирганимизда қаноат ҳосил қилмадик. Колхознинг катта йўл ёқасидаги баъзи пахтазорлари кўлматиб суғорилаётган бўлса, унинг ёнгинасидаги далаларда ғўзалар чанқаб, гули тепага чиқиб кетган. Колхоз раҳбарлари биз сувнинг охирида, сув етишмаяпти, деб нолийдилар-ку, аммо берилаётган оби-ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланмайдилар.

Райондаги ўртоқ Умар Ҳасанов раислик қилаётган Собир Раҳимов номли колхозда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Техника, ишчи кучи етарли бўлишига қарамай бу хўжаликда ҳали ҳам ўт босган далалар, сувдан қолаётган ғўзалар борлигини кўрдик. Бу ерда, айниқса ғўзани озиқлантиришга етарли эътибор берилмаётир. Колхоз қишлоғида маҳаллий ўғит етарли бўлишига қарамай, уни ғўза қаторларига солиш, шарбат оқизиш тўғрисида чинакамига иш олиб борилмаяпти.

«Октябрь 40 йиллиги», «Москва» колхозларида ҳам ғўза яхши ўсаётган, мўл ҳосил тугаётган далалар билан бир қаторда ҳосил олишда ҳали мўлжалга келмайдиган далалар ҳам борлигини кўрдик. Бизнинг фикримизча бундай жойларда ғўза парваришини қизғин давом эттириш, суғоришни кеча-кундуз сифатли ўтказиш зарур.

Биз чинозлик мусобақадошларимизга барча майдонларда ғўзани суғоришда шу куннинг талабига эътибор берган ҳолда иш олиб боришни, далаларда культивацияни давом эттиришни, нормал шохлаган пайкалларда чеканкани бошлаб юборишни, қаторларга маҳаллий ўғит солишни жорий этишни маслаҳат берамиз. Шу билан бирга йиғим-теримга тайёргарлик ишларини кучайтириш зарурлигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Чинозликлар ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришлари учун барча куч ва имкониятларини тўла сафарбар этадилар, деб ишонч билдирамиз.

М. МИРҚУРБОНОВ,
Сирдарё район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи.

Р. ЭГАМОВ,
шу райондаги Охунбобоев номли колхознинг бош агрономи.

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТДА: ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари «Қизил Октябрь» колхози далаларини кўздан кечирмоқдалар.

ҒЎЗА ЧЕКАНКАСИ БОШЛАНДИ

Чиноз районидаги Киров номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, Ленин мукофотининг лауреати Турсуной Охунова раҳбарлик қилаётган нлғор бригадасида ғўзани чеканка қилиш бошланди. Колхозчилар кўчатларни чилиб, ҳосилига ҳосил қўшмоқдалар.

Биз бригада бошлиғи билан суҳбатлашдик. У колхозчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли 82 гектар майдонда мўл ҳосил тўпланаётганлиги ҳақида мароқ билан сўзлади.

Ҳар туп ниҳолда тўрт-бештадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бригада аъзолари июль-август ойларида ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттириб, машина теримига ҳам тайёргарлик кўришни кучайтириб юборадилар.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА ДОН ТОПШИРИЛМОҚДА

ОҲАНГАРОН. (ЎзТАГ). «Ғаллақудуқ» совхози тоғ ёнбағрида жойлашган 2040 гектар майдондаги бошоқли дон экинлари ўримини тугаллади. Ўрим-йиғим даврида комбайнлар икки сменада ишлади. Ўз агрегати билан 330 гектар майдонининг арпа ва бўғдойини ўриб, қариб 300 тонна дон янчиб берган комбайнчи Борис Кох мажбуриятини ҳўжаликда биринчи бўлиб бажарди. Унга биринчи мукофот — рангли телевизор берилди. Комбайнчи Сандқосим Кенжабоев 270 гектар майдондаги ҳосилни ўриб берди.

Совхоз деҳқонлари давлатга дон сотиш планини ошириб бажардилар. Давлат омборига пландаги 305 тонна ўрнига 500 тонна дон элтиб берилди. Дон тайёрлаш бўйича икки йиллик планни бажариш мўлжалланмоқда.

МЕХАНИЗАТОР ЙИГИТ

Ҳолбек Норбеков меҳнат қилаётган Калинин районидаги 2-«Тошкент» совхозида эртаги, ўртаги ва кечки сабзавот экинлари экилади. Ҳар бир экин ҳосили йиғиб олингач, иккинчи экин олдидан ерни шудгорлаш зарур. Ана шу ерни ҳайдаш ишлари Ҳ. Норбековнинг зиммасида. У ўз трактори билан ҳамиша ерни сифатли ҳайдаб, экишга тахт қилади. У бир сменада 10 гектаргача ерни сифатли ҳайдаб нормани ошириб бажаради.

Ҳ. Норбеков бу йил ўзининг «Олтой Т-4» маркали тактори билан 1100 гектар ерни ҳайдаб беришга сўз берган.

Совхозда баҳорикор ерларда ғалла ҳам етиштирилади. Ҳозир Ҳ. Норбеков ўз трактори билан ана шу майдонларни шудгорлашга тайёргарлик кўрмоқда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

16 июль куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисда Н. В. Подгорний раислик қилди.

Президиум саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг 17 июлда очиладиган сессиясининг кун тартиби ва иш тартибига алоқадор масалаларни кўриб чиқиб, шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Президиум ўз таклифларини Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советига топширди. Айни вақтда СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзега СССР Олий Советининг бешинчи сессиясидан кейин қабул қилинган ва тасдиқланиши лозим бўлган Президиум Фармонлари тўғрисида Олий Советга ахборот бериш топширилди.

СССР Олий Советининг Президиуми ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги қонун асосларининг СССР Министрлар Совети тақдим этган лойиҳаси тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Маълумки, халқ маорифини такомиллаштириш ишига ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам бериши лозим бўлган бу қонун лойиҳаси Президиум қарорига биноан шу йил апрель ойида жамоатчиликнинг муҳокамаси учун марказий ва республика газеталарида эълон қилинган эди. Шунингдек, асосларнинг лойиҳаси СССР Олий Советининг палаталарининг халқ маорифи, фан ва маданият комиссияларига, қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларига ва ёшларга доир ишлар билан шуғулланувчи комиссияларига хулоса чиқариш учун топширилган эди.

Комиссиялар асосларнинг эълон қилинган лойиҳасини жамоатчилик зўр мамнуният билан қутиб олганлигини, меҳнаткашларни жуда қизиқтирганлигини ва уларнинг жуда кўп фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлганлигини Президиумга айтиб бердилар. Лойиҳани муҳокама қилишда ўқув юртларининг, муассасалар ва корхоналарнинг коллективлари, жамоат ташкилотлари, советларнинг депутатлари ва кўпгина гражданлар қатнашдилар.

Президиум палаталарнинг халқ маорифи, фан ва маданият комиссиялари раислари А. Э. Восс ва П. Н. Федосеевнинг жамоатчилик таклифлари асосида комиссиялар асослар лойиҳаси юзасидан хулосаларни ҳамда лойиҳага бир қанча қўшимчалар ва тузатишларни тайёрлаб қўйганликлари тўғрисидаги ахборотини эътиборга олди. Шу иш давомида иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларидан, СССР министрликлари ва идораларидан, илмий-тадқиқот муассасаларидан тушган таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинди.

Мажлисда давлат нотариати тўғрисидаги СССР қонунининг СССР ҳукумати ишлаб чиққан ва Президиум томонидан палаталарнинг қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларига хулоса чиқариш учун топширилган лойиҳаси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Президиум комиссияларнинг раислари И. В. Капитонов ва И. Г. Кэбиннинг комиссиялар қонун лойиҳаси юзасидан тушган таклифлар ва мулоҳазаларни СССР Юстиция министрлиги билан СССР Олий суди иштирокида кўриб чиққанлиги ҳамда комиссияларнинг лойиҳага зарур қўшимчалар ва тузатишлар баён этилган хулосалари тайёрлаб қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотини эътиборга олди.

Президиум мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, Иттифоқ Советининг раиси А. П. Шитиков, Миллатлар Советининг раиси Ё. С. Насриддинова, СССР министрлари В. П. Елютин, М. А. Прокофьев, В. И. Теребилов, СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат Комитети раиси А. А. Булгаков, СССР Олий судининг раиси Л. Н. Смирнов, СССР Бош прокурори Р. А. Руденко иштирок этдилар.

(ТАСС).

ВДР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛЕНИНГРАДДА

ЛЕНИНГРАД, 15 июль. (ТАСС мухбири). Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан ва Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВДР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги ВДР партия-ҳукумат делегацияси уч кундан буён бу ерда меҳмон бўлиб турибди. Ленинградликлар қардош мамлакат раҳбарларини қизғин ва самимий кутиб олмоқдалар. Самимий дўстлик алоқалари Ленин шаҳри меҳнаткашларини ана шу қардош мамлакат билан чамбарчас боғлайди. Ленинградда Вьетнам Демократик Республикаси учун машиналар, приборлар, порт ва электр станцияларга керакли ускуналар тайёрланмоқда, янги заводларнинг лойиҳалари, уларни электр қуввати билан таъминлаш системалари, кўмир қазиб чиқариладиган, металлургия комбинатларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш системалари вужудга келтирилмоқда. Нева соҳилидаги шаҳарнинг ўқув юртлари Вьетнам Демократик Республикасининг халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрламоқда.

ВДР партия-ҳукумат делегацияси бугун Кронштадтда бўлди. Вьетнамлик дўстларимиз билан бирга А. Н. Косигин, Г. В. Романов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ленинград шаҳар совети ижроия комитетининг раиси В. И. Казаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ленинград область совети ижроия комитетининг раиси А. Н. Шибалов, Ленинград ҳарбий округи қўшиларининг қўмондони генерал-полковник А. И. Грибков ва бошқа расмий кишилар ҳам бу ерга келишди.

Меҳмонлар ҳарбий денгиз музейида денгиз шуҳрати қалъаси бўлмиш шаҳарнинг тарихи билан, Совет Ватани чегараларини зийраклик билан қўриқлаб турган Кронштадт денгизчиларининг қаҳрамонона жасорати билан танишдилар.

Шундан кейин вьетнамлик ўртоқларимиз ва совет раҳбар арбоблари «Киров» крейсерида бўлдилар. Икки марта Қизил Байроқ орденли Болтиқ денгизи флотининг ветерани — Қизил байроқли крейсернинг офицерлари ва денгизчилари қаҳрамон Вьетнам вакиллари билан самимий учрашдилар. Фам Ван Донг командага, барча ҳарбий денгизчиларга саломатлик ва муваффақият тилади.

А. Н. Косигин КПСС Марказий Комитети номидан, партия Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолари, шаҳсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан самимий салом топширди, уларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга эришувларини тилади.

Вьетнам Демократик Республикасининг вакиллари Петр саройида бўлдилар. Ленинград атрофидаги ана шу ғўзал сарой жуда кўркам боғлари, жуда бой санъат ёдгорликлари билан машҳурдир.

Кечқурун КПСС Ленинград область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар совети ижроия комитети ВДР партия-ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда А. Н. Косигин, Г. В. Романов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Ленинград область ва шаҳар комитетларининг секретарлари ҳамда бюро аъзолари, раҳбар партия, совет ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қардошларча самимий вазиятда ўтган зиёфат вақтида Г. В. Романов ва Фам Ван Донг ўртоқлар дўстона нутқ сўзладилар.

МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

ВДР партия-ҳукумат делегацияси билан бирга Ленинградга борган КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар 16 июлда Москвага қайтиб келишди.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАЛЛАНДИ

ЛЕНИНГРАД, 16 июль. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси бугун Ленинграддан Будапештга жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган эди.

Шаҳар кўчалари, аэропорт ВДР, СССР ва РСФСРнинг давлат байроқлари билан, Вьетнам ва рус тилларида табрик сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилди. Азиз меҳмонларни кузатиш учун минг-минглаб ленинградликлар кўчаларга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, Ленинград Совети ижроия комитетининг раиси В. И. Казаков, Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Д. Рапаи, бошқа расмий кишилар партия ҳукумат делегациясини аэропортда кузатиб қолдилар. Улар қардош Вьетнам номоёндаларига оқ йўл тиладилар.

ҒАЛЛА СОТИШ ПЛАНИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг ғаллазорида мўл ҳосил етиштирилди. Колхозчилар ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ташкил қилиб, қисқа вақт ичида донни нес-побуд қилмай йиғиштириб олдилар. Айниқса, хўжаликда бўғдойдан баракали хирмон кўтарилди. Ҳар гектар ердан йиғиштириб олинган ҳосил 13,5 центнерданни ташкил қилди.

Арпа ўрими 11 центнерданга тўғри келди. Колхозчилар пландаги 150 ўрнига 430 тонна дон сотиб, бу соҳадаги топшириқни анча ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар. Хўжаликда уруғлик жамғарилди, чорва моллари учун ем ажратилди.

Ғаллакорлар келгуси йил мўл ҳосилига ҳам тайёргарлик кўришни бошлаб юбордилар. Экилардан бўшаган майдонлар шудгор қилиняпти.

ФРАНЦИЯЛИК МЕҲМОН

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Коммунистик партияси Сиёсий Бюросининг аъзоси Гюстав Ансар Ўзбекистонда бир неча кун бўлди.

Меҳмон Тошкентда бўлган чоғида шаҳарнинг диққатига сазовор жойларини, В. И. Ленин Марказий музейи филиалини бориб кўрди. Гюстав Ансар Самарқанд ва Бухорога борди, Орконикидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бўлди. (ЎзТАГ).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Гулистон» колхози ғаллакорлари бу йил мўл ҳосил етиштириб, дон ўрим-йиғимини жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 13,5—14 центнерга тўғри келмоқда. Ғалла ўримида С. Шарипов, М. Ражабов, М. Мирусмонов, М. Исроилов ва бошқа комбайнчилар маҳорат кўрсатиб ишламоқдалар. Суратларда: (чанда) Комбайнлар адрда. (Ўнгда) комбайнчи Қ. Бекмуродов ва В. Норовларни кўриб турибсиз.

А. АБАЛЯН фотолари.

СОВЕТ-ВЬЕТНАМ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан ва ВМП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВДР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги ВМП ва ВДР ҳукумат делегацияси КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан 1973 йил 9 июлдан 16 июлгача дўстона визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Вьетнам делегацияси СССРда бўлган чоғида Лихачев номидаги Москва заводини бориб кўрди, Ленинградга сафар қилиб, шаҳарнинг диққатга сазовор тарихий жойлари билан танишди, шунингдек Ленинграднинг баъзи саноат корхоналарини бориб кўрди.

Москвада ва Ленинградда делегация иштирокида митинглар бўлиб ўтди. Бу митинглар мустаҳкам Совет-Вьетнам дўстлигининг ёрқин намойишига айланди. Қардош Вьетнам намояндалари Совет Иттифоқининг ҳамма жойида қизғин шодиёна кутиб олинди. Бу эса Совет Иттифоқи меҳнаткашлари билан қаҳрамон Вьетнам халқи ўртасидаги мустаҳкам бирдамликнинг ифодаси бўлди.

ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, ВМП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВДР ҳукумати Бош министри Фам Ван Донг ва ВМП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВДР ҳукуматиБош министрининг ўринбосари Ле Тхань Нги визит кунларида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоси, СССР Мудофаа министри А. А. Гречко, КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катушев билан учрашдилар.

Учрашувлар ва суҳбатларда қуйидагилар қатнашдилар:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат Комитети раиси С. А. Скачков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССРнинг ВДРдаги элчиси И. С. Шчербаков;

Вьетнам томонидан — ВМП Марказий Комитети аъзоси, ВДРнинг СССРдаги элчиси Во Тхук Донг, министр, ВДР давлат план комитети раисининг ўринбосари Нгуен Ван Кха, ВДР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Нгуен Ко Тхать, ВДР Миллий мудофаа министрининг ўринбосари генерал майор Чан Шам.

Самимий ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида томонлар бир-бирларига ахборот бердилар; Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Вьетнам хусусидаги Париж битимларининг бажарилишига оид масалалар ва ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа муҳим халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

I

Совет раҳбарлари вьетнамлик дўстларга СССРда коммунистик қурилишнинг бориши ҳақида, совет халқи беш йиллигининг учинчи ҳал қилувчи йили вазифаларини бажариш мақсадида баланд сиёсий руҳ ва меҳнат ғайрати билан ишлаётганлиги тўғрисида ахборот берди.

Вьетнам делегацияси Вьетнам халқининг совет халқига улуғ Ленин мамлакатига, инсонят тарихида социализм ва коммунизм даврини бошлаб берган, халқларга ўз озодлиги учун кураш йўлини кўрсатган энг буюк революция — Октябрь революцияси Ватанига бўлган энг қизғин ҳис-туйғуларини изҳор этди.

Вьетнам халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети раҳбарлигидаги совет халқига коммунистик қурилишнинг КПСС XXIV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларини бажаришда янги, янада катта муваффақиятлар тилайди, бу муваффақиятлар жаҳон социалистик системасининг қудратини мустаҳкамлашга кўп даражада кўмаклашади ва халқларнинг социализм иши йўлидаги кураши учун илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилади.

Вьетнам раҳбарлари Вьетнамдаги вазият тўғрисида, янги босқичдаги вазифалар ҳақида, Вьетнамга доир Париж битимининг қатъий бажарилишига қаратилган тадбирлар тўғрисида, Шимолий Вьетнамда халқ хўжалигини тиклаш ва социализм қурилиши ҳақида ахборот бердилар.

Совет партия — ҳукумат делегацияси Вьетнам халқининг ватани қутқариб қолиш учун олиб борилган қаршилик кўрсатиш урушидаги ва ВДРда социализм қурилишидаги қаҳрамонлигига, шонли ғалабаларига таҳсин айтдилар. Совет раҳбарлари ишонч билдириб айтдиларки, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси раҳбарлигидаги Вьетнам халқи қардош социалистик мамлакатларнинг ёрдами ва мададидан фойдаланиб, тинч, бирлашган, мустақил, демократик ва равнақ топувчи Вьетнамни барпо этишда тўла муваффақиятга эришади.

Совет томони Вьетнам Меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида Вьетнам халқи эришган ғалабани социализм буюк ҳаётий кучининг, империалистик агрессияга қарши, ўз уйида ўзи хўжайин бўлиш ҳуқуқи учун олиб борилган курашдаги улуғ фидокорлиги, матонати ва жасоратининг яққол далили, деб билдиргилигини таъкидлади. Вьетнамда урушни тўхатиш ва тинчликни ўрнатиш тўғрисида тузилган ва Вьетнам халқининг асосий миллий ҳуқуқларини ҳурмат қилишни кўзда тутувчи Париж битими, шунингдек шу йил 13 июндаги қўшма ахборот Вьетнам Демократик Республикаси билан Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг принципиал ютуғидир, Вьетнам халқи буюк жасоратининг натижасидир, социалистик мамлакатларнинг, миллий-озодлик ҳаракатининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг умумий ғалабасидир.

Вьетнам партия-ҳукумат делегацияси ҳурматли президент Хо Ши Миннинг васиятини бажо келтириб, Вьетнам халқига ҳарбий, сиёсий ва дипломатик фронтларда катта, қимматли ва самарали мадад ҳамда ёрдам берганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига, бутун совет халқига Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати ва бутун Вьетнам халқи номидан самимий, чуқур миннатдорчилик изҳор этди, бу мадад ва ёрдам Вьетнам халқининг ўз мустақиллиги, озодлигини ҳимоя қилиш ишидаги ва социализм қурилишидаги тарихий ғалабасига муҳим ҳисса қўшди.

Вьетнам томони ВДР ҳукумати билан ЖВР муваққат революцион ҳукуматининг Вьетнамга доир Париж битимини тўла ҳурмат қилиш ва ҳеч оғишмай бажаришдан иборат ўзгармас позициясини таъкидлаб, АҚШ билан Сайгон маъмуриятн ҳам худди шундай йўл тутсин, деб талаб қилади. Совет Иттифоқи БДР билан ЖВР Муваққат революцион ҳукуматининг Париж битимини бажаришга, Вьетнамда тинчликни сақлаб қолишга, Шимолий Вьетнамда социализм қуришга, Жанубий Вьетнамни тинчлик, мустақиллик, демократия ва бетарафлик йўлидан ривожлантиришга ҳамда мамлакатни тинч бирлаштириш сари олга боришга қаратилган сиёсатини қатъиян қуллаб-қувватлайди.

Совет Иттифоқи Жанубий Вьетнам халқи орзу-умидларининг бирдан-бир ҳақиқий ифодачилари бўлган Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти ва ЖВР Муваққат революцион ҳукумати билан дўстона муносабатларни ҳар томонлама ривожлантираберади.

Томонлар Лаосда тинчлик ўрнатиш ва миллий яраша эришиш тўғрисидаги битимни қўллаб-қувватлашларини билдиредилар

II

Совет ва Вьетнам делегациялари ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги ҳуқуқини муваффақиятли равишда қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Камбоджанинг ватанпарвар кучлари билан бирдам эканликларини таъкидлайдилар.

Совет ва Вьетнам раҳбарлари, дунёдаги кучларнинг нисбати социалистик давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудрати ўсганлиги, миллий-озодлик ҳаракати мустаҳкамланганлиги, ишчи ва коммунистик ҳаракат юксалганлиги тинчлик ва тараққиёт ишларининг бундан буёнги ғалабалари учун реал шарт-шароитларни яратиб беради, деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқининг КПСС XXIV съезди қарорларига мувофиқ тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, турли ижтимоий системалардаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшашнинг В. И. Ленин ишлаб чиққан принципларини амалга оширишга, мустақиллик, озодлик ва социал тараққиёт йўлида курашаётган халқларни актив қуллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятини Вьетнам Меҳнаткашлар партияси билан ВДР ҳукумати қуллаб-қувватлайдилар.

Иккала томоннинг фикрича, Европада ҳозир мавжуд бўлган давлат чегараларининг, шу жумладан Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги чегарацинг дахлсизлиги халқаро ҳуқуқ асосида узил-кесил эътироф қилинганлиги, бу нарса СССР, ПХР ва ГДРнинг ГФР билан имзолаган тегишли шартномаларида ўз аксини топганлиги Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишида олға қўйилган ғоят муҳим қадамдир.

Иккала томон, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган ҳамда ўз ишини бошлаган Умумевропа кенгаши фашизмга қарши жаҳоншумул уруш якунларини мустаҳкамлаш ҳамда бу қитъада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун қўшимча қулай шароитлар яратиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Совет ва Вьетнам делегациялари Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши мустақиллик, озодлик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашини қатъиян қўллаб-қувватлайдилар.

Иккала томоннинг фикрича, социалистик мамлакатлар ўртасидаги жипслик ва ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, социалистик система билан миллий озодлик кучларининг иттифоқини кучайтириш, коммунистик ҳаракатни марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари негизида янада жипслаштириш ҳозирги замон шароитида алоҳида муҳим аҳамият касб этади. КПСС билан ВМП ҳозирги замоннинг империализмга қарши бўлган барча тинчликсевар кучларини жипслаштириш ишига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтираберишларини маълум қиладилар.

III

Совет ва Вьетнам партия-ҳукумат делегациялари СССР билан ВДР ўртасида муносабатларни атрофлича кўриб чиқиб, Совет-Вьетнам дўстлиги ва ҳардошларча ҳамкорлиги ҳамма энг муҳим соҳаларда — сиёсий, иқтисодий, мафкуравий соҳаларда, шунингдек мудофаа соҳасида тўхтовсиз самарали ривожланиб борётганлигини зўр мамнуният билан қайд қилдилар. Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи билан ВДР ўртасида ҳамма соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришнинг кундалик ва истиқбол вазифаларини муҳокама қилдилар.

Иккала томон:

— КПСС билан ВМП ўртасидаги қардошларча алоқаларни турли лавозимлардаги раҳбарлар иштирокида кенгайтириб бориш, иккала томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан маслаҳатлар ва фикрлашувлар ўтказиб туриш;

— Иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, шу жумладан ВДРнинг социалистик экономикасини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, Вьетнам халқининг моддий фаровонлигини юксалтириш манфаатлари йўлида экономика, фан ва техника соҳаларида вьетнамлик миллий кадрларни тайёрлашга кўмаклашиш;

— Иккала мамлакатнинг илмий ва маданий муассасалари ўртасидаги, шунингдек жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантириш, социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасини ўртоқлашиш тўғрисида келишиб олдилар.

ВДР партия—ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига визити вақтида халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришда Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасига ёрдам бериши тўғрисида принципиал бир битимга келинди. Совет томони ВДРда Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган халқ хўжалиги объектларини қайта тиклаб беришга, Шимолий Вьетнамни социалистик индустриялашни ривожлантиришга имкон берувчи янги саноат корхоналарини, шу жумладан гидроэнергетика корхоналари қурилишига кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди. Совет Иттифоқи 1974 йилда ВДРга аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш ва халқ хўжалигини қайта тиклаш учун зарур бўлган турли саноат ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини, транспорт воситаларини, кенг истеъмол молларини, озиқ-овқатларни етказиб беради.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати қардош Вьетнам халқига мадад бериш масаласидаги ўзининг ўзгармас интернационал позициясига асосланиб ва Вьетнам Демократик Республикасининг уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш вазифаларини амалга оширишдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб аввали йилларда иқтисодий ривожланиш мақсадлари учун Совет Иттифоқининг ВДРга берган кредитларини текин ёрдам, деб ҳисоблашга қарор қилдилар. Томонлар тегишли ҳужжатни имзоладилар.

Вьетнам томони бу дўстона ҳиммат учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик изҳор қилди ва мазкур қарор Вьетнам халқи учун зўр илҳомбахш омил бўлади ва ундаги КПСС, Совет ҳукумати ва қардош совет халқига чуқур миннатдорчилик туйғусини янада кучайтиради, деб ҳисоблайди. Вьетнам партия — ҳукумат делегацияси визит вақтида эришилган принципиал битимга мувофиқ Совет Иттифоқи берадиган ёрдам Вьетнам Демократик Республикасида социализмни қуришни давом эттиришда муҳим роль ўйнайди, деб таъкидлайди.

* * *

Томонлар қомил ишонч билан айтдиларки, ВДР партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити ва музокараларнинг якунлари КПСС билан ВМП, СССР билан ВДР ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда янги муҳим палла бўлади.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети билан Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати номидан Ле Зуан ва Фам Ван Донг ўртоқлар Совет Иттифоқининг партия-ҳукумат делегациясини Вьетнам Демократик Республикасига расмий визит билан бориш таклиф қилдилар. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Визит вақти кейинчалик келишиб олинади.

Жаҳон янгиликлари

ТИНЧЛИК СИЁСАТИНИНГ ҒАЛАБАСИ

БУДАПЕШТ, (ТАСС). Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Умумвенгрия ватан халқ фронти кенгаши президиумининг раиси Дьюла Каллаи ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти топширилганлиги тўғрисидаги хабарни бутун дунё жамоатчилиги зўр мамнуният билан кутиб олди.

Дьюла Каллаи ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташқи сиёсий фаолиятининг халқаро аҳамиятига тўхталиб, бундай деди: Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қўшма Штатлар, Франция ва Ғарбий Германия раҳбарлари билан олиб борган музокаралари жаҳон аҳамиятига эга бўлган воқеа эканлигини ҳамма эътироф қилмоқда. Бу музокаралар ижтимоий тузумлари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш принципини халқаро ҳаётнинг ҳамма эътироф қилган нормасига айлантиришга ёрдам беради.

Бизнинг қитъамиз, деб таъкидлади, Д. Каллаи, коллектив хавфсизлик йўлидан тобора олға бормоқда. Бу соҳада социалистик мамлакатларнинг, аввало, нeча ўн йиллардан бери зўр куч сарфлаб келаётган Совет Иттифоқининг хизмати жуда қимматлидир. Бундан барча қитъалардаги мамлакатлар ва халқлар фойда кўрдилар.

Тинчликсевар кучларнинг Москвада чақириладиган халқаро конгрессига тайёргарлик кўрилаётганлиги муносабати билан Д. Каллаи бундай деди: Халқаро вазиятнинг ўзгариши тинчлик, тараққиёт ва социализм кучларнинг катта муваффақиятларга эришаётганлиги, тинчлик учун курашчилар олдида турган янги вазифаларни муҳокама қилиш зарурлиги, мана шу ишларнинг ҳаммаси конгресснинг чақирилишини жуда зарур иш қилиб қўйди.

Тинчлик кучларининг Москвадаги кўриги, деб уқтириб ўтди у, ғоят катта воқеа бўлади ва тинчлик, қуролсизланиш, миллий мустақиллик ва ҳамкорлик учун курашаётган юз миллионлаб кишиларнинг кучларини жипслаштиришга имкон беради.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИРОҚҚА КЕЛДИ

БАҒДОД, 14 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси Ироқ Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлигининг таклифига биноан Бағдодга келди.

Делегация Ироқ Республикасининг миллий байрами муносабати билан бўладиган тантаналарда қатнашади.

АФРИКА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БАМАКО, 14 июль. (ТАСС). Мали пойтахтида Африка мамлакатлари тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитетларининг биринчи конференцияси ўз ишини тамомлади. Якуниловчи йиғилишда ялпи резолюция ва Африкада тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракатини мустаҳкамлашда тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтказиладиган жаҳон конгрессини чақиришни қўллаб-қувватловчи мурожаатномэ қабул қилинди. Конференция қатнашчилари тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгрессида «Халқларнинг озодлик, социал тараққиёт ва ялпи тинчлик ҳаракатида ҳал қилувчи босқичлардан» бири бўлади, деб таъкидлашди.

ШЕЕЛЬ БОННГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БОНН, (ТАСС). ГФР ташқи ишлар министри В. Шеель Қўшма Штатларга қилган қисқа муддатли визитидан сўнг ГФРга қайтиб келди. У Қўшма Штатларда президент Р. Никсон, давлат секретари У. Роджерс ва президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер билан музокаралар олиб борди.

В. Шеель Мюнхен аэродромида берган баёлотида шу музокаралар чоғида президент Р. Никсоннинг шу йил кузда Европага қиладиган визитига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган проблемалар муҳокама қилинди, деди.

В. Шеель Америка президенти Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларига қиладиган визити чоғида музокаралар олиб бориш ниятида эканлигини таъкидлаб, бу «музокараларга пухта тайёргарлик кўриш» зарурлигини уқтирди.

САМОЛЁТ ПАРЧАЛАНИБ КЕТДИ

БОННН, 14 июль, (ТАСС) Баумхольдердаги (Рейнланд-пфальц) Америка ҳарбий аэродроми районида Америка ҳарбий-ҳаво кучларининг Ғарбий Германиядаги қисмларидан бири составига кирувчи икки моторли «шохрук» ҳарбий самолёти парчаланиб кетди.

АҚШ ҳарбий маъмурларининг хабар беришича, номаълум сабабларга кўра содир бўлган фалокат натижасида икки учувчи ҳалоқ бўлган.



Қисуму шаҳрида Совет Иттифоқи ёрдамида қад кўтарган госпиталь Кенияда энг етакчи шифохоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда меҳнат қилаётган бир гуруҳ совет врач ва ҳамширалари беморларни атрофлича даволашмоқда. Суратда: госпиталнинг болалар бўлимида Совет врачи педиатор Е. Ишченко (ўртада) бемор болани кўздан кечирмоқда.

А. Серебрянский фотоси. (ТАСС).

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

Тошкентдаги трикотаж буюмлари фирмаси кадр меҳнатчиларидан 24 кишига «Фирма ветерани» номи берилди. Ҳозир бу ерда юзга яқин ана шундай ветеранлар бор. Касаба союз комитети илғор ишчиларни рағбатлантиришнинг турли шаклларидан фойдаланмоқда. Энг яхши ёш ишчи фахрий унвонлари, корхоналарда хизмат кўрсатган мастер унвонлари таъсис этилди. Унвонни бериш чоғида совғалар ҳам топширилади. Илғорлар шифохоналарга бориш учун имтиёзли путёвкаларни олдинроқ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўрта Осиё магистрали темир йўл транспорти ишчиларининг касаба союз комитети илмий-техникавий жамияти правлениесининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилди. Техника тараққиёти пешқадамлари бир йил ичида хўжаликларда илғор тажриба алмашиш юзасидан 25 мактаб ташкил қилдилар, фан ютуқларини жорий қилиш планининг бажарилиши юзасидан кўриклар ва конференциялар ўтказдилар. Йўл корхоналарида жамоатчилик асосида ишлайдиган уч юзта ижодий бирлашма бор.

* * *

Ўзбекистон ўрмон, қоғоз ва ёғочсозлик саноати корхоналари касаба союз комитетлари раисларининг курсларида машғулотлар тугади. Экономика ва ер, ўрмон ҳамда сув ҳақидаги қонунларнинг асослари ўрганилди.

* * *

Умумий овқатланишни намунали ташкил қилганлиги учун «Тоштекстильмаш» заводига тантанали вазиятда ВЦСПСнинг биринчи даражали дипломи топширилди. Бу ерда миллий таомлар ошхонаси жуда яхши ташкил қилинган, масаллиқлар магазини очилди, бир неча кафе ишлаб турибди.

(ЎзТАГ).

БАЙРОҚДОРЛАР

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

Бу меҳнатсеварларни корхонадаги катта-ю-кичик шундай деб атайди. Бунинг бойси бор, албатта. Ўз касбини пухта эгаллаган, у билан фахрланадиган бу пойафзалчилар ана шундай номга қаҳқаратан ҳам лойиқ кишилардир. Ҳунарини кўз-кўз қилиб, унга доғ туширмаслик учун бутун кучи, билими ва тажрибасини аямай сарфлаётган бу коммунистик меҳнат зарбдорлари доймо мусобақа пешқадамлари сафида, боришмоқда.

Соҳиб Сиддиқов, Пелагея Михайловна Рибченко, Оминат Мирзаевна Ермилиналар. Бу ишчиларни Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ҳамма яхши билади. Уларнинг номини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади, ўз сафларида ана шундай ажойиб меҳнаткаш ишчилар борлиги билан ҳақли равишда ғурурланадилар.

Ҳақиқатан ҳам бу уларнинг меҳнат самараси мақтовга сазовордир. Ҳалол ишлари билан қўнчилик ўртасида обрў қозонган бу пойафзалчилар зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан адо этмоқдалар. Кўп йиллик иш давомида тўплаган бой тажрибаларини, илғор иш усулларини касбдошларига, айниқса меҳнат қучоғига янги кирган ёшларга қунт билан ўргатмоқдалар. Бу билан пойафзалчилар сафини кенгайтириш, уларнинг малакасини оширишга ёрдам беришаяпти. Бу эса ўз навбатида коллектив меҳнат фаолияти самараларининг яхшиланишига озми-кўпми ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Донгдор пойафзалчилар корхонада биринчилар қатори беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бир группа тўқимачилар ва самолетсоз Альбина Девятова бошлаган ташаббусга қўшилган эдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик топшириқни узоғи билан 2,5—3 йилда бажаришга аҳд қилишган эди, ўшанда. Меҳнатсеварлар шахсий планларини барвақт бажариш ҳақида ўз касбдошларига қарата мурожаат билан чиқдилар. Бу ташабус иштирокчилари сафининг анча кенгайишига олиб келди.

Ўзлари эл юрт олдида берилган ваъданинг тўла уддасидан чиқиш, фойдаланилмай ётган резервларни қидириб топиш ва ишга солиш, ихтиёрларидаги асбоб-ускуналар, пойафзал ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар ва хом ашёларни кўплаб иқтисод қилишга алоҳида эътибор бердилар. Шу йўлда тиним билишмади, доим изланишда бўлишди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришга ёрдам берадиган кўпдан-кўп омилларни ишга солдилар.

Шу туфайли ҳам донгдор ишчилар мажбуриятларини муддатидан анча илгари адо этишга муваффақ бўлдилар. Шахсий беш йиллик топшириқларини апрель-май ойида бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти беришди. Мана, бир неча ойдан бери улар 1976 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

Соҳиб Сиддиқов бундай ташаббускорларнинг пешқадами ҳисобланади. У корхонада 10 йилдан ошиқроқ вақтдан буён ишламоқда. Бир вақтлар ҳеч қандай ҳунари бўлмаган бу пойафзалчи номи эндиги кўпчиликнинг оғзига тушган. Унинг меҳнат дафтарчасини варақласангиз фақатгина рақматномалар, самарали ишлагани учун турли-туман мукофотлар берилганлиги ҳақидаги буйруқларни ўқийсиз.

Соҳиб аканинг касби ҳам жуда нозик—пойафзалнинг рантини чиқаради. Бу иш технология талабларига қатъий амал қилишни, иҳоятда зийраклик ва чаққонликни талаб этади. Андак лоқайдсизлик қилиб рант бир текис чиқмай қолса борми, ана шунгача бажарилган ўнлаб операцияларнинг ҳам қайтаришга ёки маҳсулотнинг бракка чиқаришга мажбур бўлиниади. Бунги яхши тушунган Соҳиб ака ўз касби сир-асрорларини иложи борича чуқуррок ўрганишга, илғор касбдошларининг иш усулларини тўхтовсиз эгаллашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у смена нормасини муттасил 200 процентдан ошириб адо этмоқда. Маҳсулотининг сифати ҳам мақтовга арзигулик. Бир кўрсатишдаёқ техника контроли бўлими томонидан қабул қилинмоқда. Касбдошлари унинг қўлидан чиққан бирорта ҳам пойафзалнинг ранти кўнгилдагидек чиқарилмаганлиги учун қайтарилганлигини эслаша олмайди. Ўз касбига меҳр қўйган ишчигина ана шунга қодирдир.

Шу кунларда ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот бераётган Пелагея Михайловна, Оминат Мирзаевналар бичиқчи бўлиб ишлашади. Бу пойафзал ишлаб чиқаришда энг муҳим касбдардан ҳисобланади. Оёқ кийимларининг сифатли чиқиши кўп жиҳатдан ана шу бичиқчилар меҳнатига боғлиқ. Бичиги қанчалик яхши ва ихчам қилинса, пойафзал шунчалик бежирим ва кўркам бўлади.

Тез, сифатли, тежамли ишлашни ўз меҳнатларининг шиори қилиб олган бу пойафзалчилар ҳақида ҳам фақатгина мақтов гапларни айтмасдан ложимиз йўқ. Айниқса, уларнинг тежаб-тергаб сарфлашдаги маҳоратлари тақдирга сазовордир. Терининг озгина қисмини ҳам чиқиндига чиқармасликка, ундан пойафзалнинг турли-туман катта-кичик қисмларини бичишга ҳаракат қилишади. Тўқ қизанчи беш йиллигининг ўтган даври мобайнида уларнинг ҳар бири ўнларча минг квадрат дециметр чармни тежаб қолишга муваффақ бўлди. Бунинг ҳисобига минглаб жуфт пойафзал ишлаб чиқарилди.

Байроқдорлар шу кунларда ҳам коллектив меҳнат натижасининг баракали бўлишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида эўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Йил охиригача яна 9—12 ойлик нормаларнинг бажариш юзасидан берган сўзларининг устидан чиқиш учун социалистик мусобақа пешқадамлари сафида боришяпти. Уларнинг совет кишиларининг кун сайин ошиб бораётган талаб эҳтиёжларига, тўла жавоб берадигач, пойафзал ишлаб чиқаришдек олийжаноб, ҳайрли ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

М. МАҲМУДОВ.

МАҲАЛЛАДА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда «Билим» жамиятининг Киров район ташкилоти ўтган йили 1-Кисловодск маҳалласида илмий атеизм ва Туркқўрғон маҳалласида коммунистик ахлоқ ва турмуш маданияти халқ университетларини очган эдилар. Ўқув йили давомида ҳар икки халқ университетининг машғулотлари махсус программа асосида мунтаазам ўтиб турди.

Яқинда университетларда ўқув йилининг якуниловчи машғулотлари бўлиб ўтди. Илмий-атеизм халқ университетининг якуниловчи машғулотида университет ректори, фалсафа фанлари кандидати Н. Саидов тингловчиларга «Ислом ақидалари ва уларнинг моҳияти» деган темада батафсил сўзлаб берди. Коммунистик ахлоқ ва турмуш маданияти халқ университетининг йиллик якуниловчи машғулотини университет ректори, фалсафа фанлари кандидати Х. Шайхова ва юридик фанлар кандидати Т. Аюбов ўтказдилар. Машғулот оила ва турмуш маданияти мавзуига бағишланди.

Ҳар икки университет машғулотлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Машғулотларни таъсирчан қилиш учун қатор тадбирлар кўрилди. Лекциялар ўқишга таниқли олимлар жалб этилди. Лекциялар кўргазмали қуроллардан фойдаланилган ҳолда ўқилди. Машғулотлардан сўнг Киров номли маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари интернационал программада концертлар қўйиб бердилар.

Халқ университетларининг машғулотлари октябрь ойидан яна давом этади.

А. ТАРТУЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 128

- ҲАР СОҲАДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК
- СИФАТСИЗ ҒИШТ—КЕЛТИРАР ТАШВИШ
- *РЕЗЕРВЛАР БЕҲИСОБ*
- НАЗОРАТЧИЛАР ҒАЛЛАЗОР КЕЗГАНДА...

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Мараҳимов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 90 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 51 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга аҳд қилганлар. Коллективнинг бугунги меҳнати мана шу юксак мажбуриятга яраша бўляпти. Назоратчилар ҳозир дала айланиб, ғўзаларни сифатли озиқлантириш, суғориш, культивация қилиш устида қайғурмоқдалар. Суратда: бригада аъзоси Ҳасан Умаров пайкалдаги ғўзалар ривожини кўзатаяпти.

Р. ШАМСУДДИНОВ фотоси. (ЎзТАГ).

МУҲОКАМАДАН СЎНГ

ҒАЛЛА—ДАВЛАТГА

Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ районидаги колхоз ва совхозларнинг ғаллазорларида мул ҳосил етиштирилди. Илғор хўжаликларнинг мирзашкорлари дастлабки кунларданоқ ғалла ўримга уюшқоқлик билан киришдилар. Улар кун сайин давлатга дон топшириш суръатини кучайтирмоқдалар.

Вироқ, айрим хўжаликларда техникадан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмаётганлиги туфайли ғалла ўриш ва уни транспортларга ортишда нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Узбекистон» колхозида текшириш ўтказилганида ҳар беш гектар ерда тўрт центнердан арпанинг нобуд бўлаётганлиги аниқланди. Бу хўжаликларда машиналар яхши созланмаганидан ғалла сифатли тозаланмаяпти. Бу ерда шунингдек, сомонин ўз вақтида йиғиштириб олишга ҳам етарли эътибор берилмаяпти.

Шунингдек «Ленинобод» колхозида ҳам комбайнлар иши яхши ташкил этилмаган.

Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхозида ҳам комбайнларнинг иш унуми талабга жавоб бермайди. Хўжалик раҳбарлари ҳосилдорликни белгилашга панжа орасидан қараганлар.

«Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Ачинарлиси шундаки, бу ерда машина ва прицепларга ортилган доилар яхши эҳтиёт чоралари кўрилмаганлиги туфайли йўлда тўкилиб нобуд бўлмоқда.

Район қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассислари хўжаликларда бошоқли дон экишлари ўрим-йиғимнинг боришини яхши назорат қилмаётганликлари, йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш учун конкрет ёрдам кўрсатмаётганликлари туфайли ҳам ана шундай аҳвол юз бермоқда.

Ғалла ўриш ва уни янчиш ва транспортларга ортишда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида тугатиш тадбирларини кўрмаганликлари учун Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ районлари қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари Холманов ва Усмонов ўртоқларга ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек область халқ контроли комитети йиғилишида ҳар икки район хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими ишлари суръатини кучайтириш, дала ишларининг сифатини яхшилаш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам белгиланди.

КОМАНДИРОВКА МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилотнинг молиявий-иқтисодий фаолиятида командировка маблағлари ҳам муҳим ўрнини эгаллайди. Халқ назоратчилари яқинда областдаги бир қатор корхона ва ташкилотларда ошганларида командировка маблағларидан қандай фойдаланилаётганлиги билан қизиқдилар. Улар бу соҳада айрим ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги қайд қилиш билан бирга кўпгина бошқарма ва трестларда командировка маблағларидан ўринсиз фойдаланилаётганлиги ва оид фактларни аниқладилар. Жумладан, Ангрендаги разрез қурилиши бошқармасида ўтган йили командировка мақсадлари учун белгиланганидан 48 минг сўмдан ортиқ пул сарфлаб юборилган. Бу бажарилган ишларнинг таннархига ҳам салбий таъсир кўрсатган. «Ўзтрансспецстрой»нинг 18-трестига қарашли кўчма механизациялашган колоннасида, Бекобод пахта тозалаш заводида, Келесдаги жун толасини дастлабки қайта ишлаш фабрикасида, «Янгиюльторгда, Қуйи Чирчиқ районидаги колхозлараро қурилиш бошқармаси, Оҳангаронда санитария даволаш бирлашмаси, С. Сегизбоев номли совхозда ҳам командировка маблағларидан нотўғри фойдаланилаётганлигига оид фактлар аниқланди.

Командировкага боришдан мақсад — бирор тажрибани ўрганиб қайтиш, ёки ўша корхона ва ташкилотнинг эҳтиёжи учун зарур буюмларни ундириб келишдан иборатдир. Лекин ачинарлиси шундан, кўпгина корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари молия интизомига хилоф равишда иш юритадилар. Ходимларни чақириқ қоғозисиз ёки юқори ташкилотларнинг рухсатисиз командировкага юборадилар.

Ўтган йили ва шу йилнинг тўрт ойи давомида ана шундай командировкаларга 1164 киши юборилган. Уларга қонунсиз равишда 62 минг сўм тўланган. Ўтган йили юк ташиш автомобиллари область трести бош инженери Фролов резина ва запас қисмлар олиш баҳонасида ҳар бири ўн кунлиқдан беш маротаба командировкага бориб келган. Область қишлоқ хўжалиги бошқармасида ҳам командировка маблағларидан фойдаланишда нотўғри ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Бундай мисолларни бошқа ташкилотлардан ва корхоналар фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Область халқ контроли комитети йиғилишида командировка маблағларидан фойдаланишда йўл қўйилган жиддий камчиликларнинг туб сабаблари очиб ташланди. Айбдорларга чора кўрилди. Командировка маблағларидан фойдаланишни тубдан яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ТЕЖАМКОРЛИК ЮРИШИ

Шаҳримиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида 94 та халқ контроли группаси ва 88 та пост фаолият кўрсатяпти. Жамоатчи активлар ёрдами билан беш йиллигининг ўтган даври мобайнида уч ярим миллион сўмлиқдан ортиқроқ материал ва хомашё тежаб қолинди. Ҳозирги кунда назоратчилар барча саноат корхоналари бўйлаб оммавий рейд ўтказмоқдалар. Бу рейд давомида ички резервлар аниқланиб, фойдаланилмаётган ресурслар ишга солиняпти.

Дастлабки текширувлар давомида шу нарса маълум бўлдики, биргина металлургия заводи цехларидаги мавжуд имкониятларни ишга солиш билан беш йиллик охиригача қўшимча равишда олти ярим минг тоннадан кўпроқ пўлат ишлаб чиқариш мумкин экан. Шу йилнинг ўзида 524 минг киловатт соат электр энергияси, 500 тонна шартли ёқилги тежаб қолиш имкониятлари борлиги ҳам маълум бўлди.

Заводда ҳозир 183 назоратчи тежамкорлар юришида қатнашяпти. Шундан бош группага 37 жамоатчи бирлашган. Улар кейинги пайтда цехларда ўтказилган рейдларнинг 24 тасида иштирок этдилар. Рейдлар давомида ускуналардан унумли фойдаланиш, хомашёларни тежаш, техника хавфсизлигини таъминлаш учун барча имкониятлар мавжудлиги маълум бўлди.

Иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтиришга шаҳардаги темир-бетон буюмлари ва бинокорлик материаллари комбинати ишчилари ҳам алоҳида эътибор билан қараяптилар. Ўтган йилнинг ўзида бу ерда салкам 400 тонна цемент, 700 тонна қоришма, 27 тонна пўлат сим тежаб қолинди. Бу йил ҳам тежамкорлик учун бошланган мусобақа қизғин давом этяпти. Ўтган ойларда салкам 300 тонна цемент иқтисод қилинди. Комбинатнинг Широков, Ҳисомиддинов, Земляков каби жамоатчи ишчилари тежамкорлар мусобақасида олдинги сафларда бормоқдалар.

Шаҳар халқ контроли комитети материал ва хомашёларни тежаб қолишда илғорлар тўплаган тажрибаларни муттасил оммалаштириб келяпти. Исроф-гарларга қарши эса жиддий чоралар кўряпти. Халқ контроли комитети мажлисларидан бирида биз 16-қурилиш трестида иқтисодий тежамкорликнинг аҳволи билан танишдик. Мажлис арафасида махсус комиссия трестда қурилиш материалларидан қандай фойдаланиётганлигини текшириб берган эди. Текшириш якунларидан шу нарса маълум бўлдики, ўтган қисқа вақт ичида прораб ва бригада бошлиқларининг эътиборсизлиги билан бу ерда кўплаб қоришма, ғишт ва бўёқ беҳуда исроф бўлиб кетган экан. Исроф-гарчиликка йўл қўйган шахслар аниқланиб, комитет мажлисида уларга нисбатан тегишли жазо берилди.

Халқимизда тежаглик иш бежолик деган нақл бор. Тежалган ҳар бир килограмм металл, цемент, ҳар дона ғишт қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади. Буни яхши билган назоратчиларимиз тежамкорлик режимини тобора кучайтирмоқдалар.

Т. БОЛТАБОЕВ,
Бекобод шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.

К. Гладилина салкам 30 йилдан бери. «Қизил тонг» фирмасида меҳнат қилиб келяпти. Илғор ишчи шу кеча-кундузда 1974 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ўртоқ К. Гладилина ишдан бўш пайтларида халқ контроли группаси аъзолари билан ўз ҳамкасблари ишини кузатади. Барчани фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқишга даъват этади.

А. ТУРАЕВ фотоси.

СОХТА ШУҲРАТ

Лайлак қордек ёғилиб келаётган шикоятларнинг ниҳояси кўринмай қолди. Яқиндагина Ургенчдаги 167-қурилиш трести бошқарувчиси Б. Кимдан бир қулоч шикоят хати олинган эди. Бугун эса Қаршидаги 13-трест билан Тошкентдаги 6-трест раҳбарлари ўз арз-додларини оқ қоғозга туширишибди. Ҳамма шикоятларнинг мазмуни бир хил: вагонга ортган ғиштингиз накладнойда ёзилганидан уч-тўрт мингта кам чиқди, М—75 маркали деб юборган ғиштингизнинг ярми М—50 маркали экан, чала пишган, сифатсиз ғиштингиз ўзингизга буюрсин...

Завод директори Убай Маҳсумович шикоятларни ўқиб, нима қилишини билмай фақат оғирроғир «уҳ» тортарди. Ўйлаб кўрган баҳоналарининг ҳаммаси ўринсиз чиқаяпти. Шундан кейин диққати яна ҳам ошиб, қўлидаги қаламини зарда билан стол устига ташлади-да, қўнғироқ тугмасини босди.

— Менга бош инженерни чақиринг, — деди у пойгакда пайдо бўлган секретарь аёлга.

Зум ўтмай директор ҳузурида бош инженер Николай Маханьков ҳозир бўлди. Директорнинг авзоин бузуқлигини у кабинетга кира солиб пайқаган эди. Шу боисдан ҳам қўлларини бир-бирига ишқаб, мулойимгина бориб юмшоқ ўриндиққа чўка қолди.

— Буларни кўраяпсизми? — Убай Маҳсумович бир даста қоғозни ҳавода шалдиратиб, кейин бош инженер олдига ташлади. — Бизни шикоят хатларига кўмиб юборишди-ку, мижозларимиз. Улардан қутулишнинг бирор чораси борми, ўзи, ёки йўқми?!

— Чорасини топса бўлади, — дея гап бошлади Маханьков шикаста овоз билан. — Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Гап шу ерда қолсину, аммо, лекин кейинги йилларда кўп номаъқулчиликларни қилиб юбордик-да, назаримда. Нималар бўлганини ўзингиз ҳам биласиз-ку, ахир.

Директорнинг энсаси қотди. Эски гапни қўзғашнинг нима кераги бор экан. Тўғри, завод-га раҳбар бўлиб келганидан бери фақат бир-икки йил планни аранг бажариб берди. Кейин ўзи ҳафсаласизлик қилдими, ёки одамлар дангасалик қилдими— ишқилиб план юзга етолмай оро йўлда осилиб қолаверди. Мана ҳозир ўйлаб қараса беш йиллиннинг ўтган даври давомида заводнинг доимий мижозларига 41,3 миллион дона ғишт кам етказиб берилибди.

1970 йилда завод коллективи ишлаб чиқариш қувватларининг 91,5 процентидан фойдаланиб, 119,8 миллион дона ғишт ишлаб чиқарган эди. Кейинги йилларда эса ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси асоссиз равишда 82,2 процентга тушиб қолди. 1973 йилнинг биринчи кварталида аҳвол яна ҳам оғирлашди. Квартал давомида 28,9 миллион дона ғишт тайёрланиб, план аранг 97,9 процентга етказилди.

Аҳволни кўриб директорнинг боши қотди. Қандай қилиб бўлса ҳам планларни бажариш керак. Бўлмаса кўпчилик олдида обрў тўкилади, гап тегади. Шундан кейин у мижозларни алдашга, давлат кўзини бўяшга тушди. Вагонларга ортилган ғиштлардан уриб қолиб, накладнойлардаги рақамларни ошириб ёзишга, юқори маркали ғиштлар орасига паст маркали ғиштларни тиқиштириб, мижозлардан ортиқча ҳақ олишга киришди. Қарасаки, ўйлаб топган усулидан наф катта. Ўзидан ўзи қўшимча маблағлар, қўшимча минглаб дона ғиштлар пайдо бўлаяпти. 1971 йилда 356 минг, 1972 йилда 442 минг дона ғишт вагонлардан уриб қолиниб, бошқа ташкилотларга пулланди. 1973 йилнинг 24 апрелида жўнатилган 6278349-вагонга ҳам 19 минг ўрнига 16 минг дона ғишт юкланиб, 3 мингтаси аллақаёққа гумдон қилинди.

Қўшимча даромадлар директорни ҳовлиқтириб қўйди. Қарасаки, биров мушугини пишт демаяпти. Шундан кейин бегона ташкилотлар ва ошна-оғайниларга ғишт сотиш қўламини яна ҳам кенгайтириб юборди. Кўзни шамғалат қилиб чойхоначи Абдулазизов 31,5 минг, завод диспетчери Кашаев 26,2 минг, кадрлар бўлими бошлиғи, Тошев 25,9 минг дона ғиштни хаш-паш деганча уйларига ташиб олишди. Директор ҳисобкитоб қилиб қараса 1971 йилдан бери якка шахсларга 2 миллион дона, завод ишчи ва хизматчиларига эса салкам 3 миллион дона ғишт улгуржи нархда сотилибди. Директорнинг хотамтойлиги тезда Янгийўл шаҳридан ошиб, бутун районга ҳам овоза бўлди.

Аммо, қинғир ишнинг қийғи ахир чиқар экан. Директорнинг ҳурсандчилиги ҳам узоққа бормади. Планни бажаришда кўзбўямачилик қилаётган кишилар осонгина қармоққа илинишди. «1971 ва 1972 йил планлари ортиғи билан адо этилди» деб ёзилган «ғалаба» рапортлари амалда бекор бўлиб чиқди. Сохта шуҳрат учун югурган директорнинг юзи кўпчилик олдида шувут бўлди. Бунинг устига маҳсулот сифатсизлиги ҳақида 47 та рекламация тушиб, корхона раҳбарларининг кайфияти яна ҳам

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

◆ МОСКВА. Бортпроводник Людмила Гвоздева 1969 йилдан буён Аэрофлотнинг турли маршрутлари бўйлаб Скандинавия ва Африкага, Латин Америкаси мамлакатлари ва Японияга парвоз қилиб келади. Людмила Шереметьево аэропортига Н. К. Крупская номидаги педагогика институтининг тарих факультетини битказиб келди. Людмила меҳнатда ўрнак кўрсатиб ишлаш билан бирга бадиий ҳаваскорлар конкурсларида фаол қатнашиб келмоқда. «Бўш келманг, қизлар!» Марказий телевидение конкурсида у биринчи ўринни эгаллади. Суратда: Людмила Гвоздева.

◆ МОЛДАВИЯ ССР. Каушан районидаги «Победа» колхози далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Механизаторлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида экинлардан янада мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Суратда: кунгабоқар пайкалларига ишлов бериш пайти.

◆ ҚИРҒИЗИСТОН ССР. Сайботтал Мурсалимов бундан чорак аср илгари 17 ёшида биринчи марта от спорти билан шуғуллана бошлаганди. 1952 йилда у Бутун иттифоқ ДОСААФ чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Сўнгра у СССРнинг бир неча марта чемпиони бўлди, Рим ва Токиодаги олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашди. Унинг умр йўлдоши Надя Огородникова ҳам от спорти бўйича СССР чемпионидир. Суратда: Мурсалимовлар оиласи сайлда.

В. Бундан, В. Кузьмин, В. Чайковский, М. Шлафштейн фотолари (ТАСС фотохроникаси).

ҚАЛБИДА МЕҲНАТ ИШҚИ

Тонг ҳарир рўмолини ўраб улгурмасданоқ Рихсивой ота далага отланди. Ҳаммаёқ сокин, узоқ-узоқлардан эшитилаётган қушлар овози, пайкалларда шарақлаб оқаётган оби-ҳаёт, юзларни аста сийпаб ўтувчи тонгги сабо ота қалбига ажойиб роҳат бахш этди.

Ота қир бағирларигача туташиб кетган олма боғларига, узумзорларга меҳр билан назар ташлади. Унинг кўнгли алланечук тўлқинланиб кетди. Бир вақтлари адир ва ялангликлардан иборат эди бу ерлар. Коллектив хўжалик йириклашди-ю, хўжалик бели маҳкам бўлди. Энди техника жиловини ушлаган инсон қўли кечаги бўз ерни бугун гулистонга, боғу-роғларга айлантирмоқда.

Ота хаёлидан ана шу фикрлар ўтар экан, ўзининг ниҳол тутиб, адирларда кўчат экаётгани ёдига тушди. Тумонат одам боғ бунёд этамиз, деб отланганди ўшанда. Энди қишлоқ аҳолиси яратган боғлари билан биргина ўзини эмас, шаҳарликларни ҳам мамнун этмоқда.

Ишни оддий колхозчи бўлиб бошлаган Рихсивой Нурматов катта меҳнат йўлини босиб ўтди. Бир вақтлари омоч ушлаган қўллар кейинчалик қалам тутди. Ҳисобчи, звено бошлиғи, бригадир, агроном. Ҳар қандай вазиятда ҳам Рихсивой ота меҳнатни шарафлашга, одамларни ҳурматлашга интилди. Колхоз экономикасини мустаҳкамлаш йўлида тинмай меҳнат қилди. Шунинг учун бўлса керак, отани биргина Киров номли колхозда эмас, Оржоникидзе районида ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

Завқли меҳнат билан йиллар ўтди. Бир куни колхоз раиси отани чақиртириб колоқ бригадани қўлга олсангиз,— деб қолди.

Ота раисга ҳеч қандай эътироз билдирмади. Ўзининг кўнглида ҳам шу бригадани оёққа турғизиш нияти бор эди. Мана у бригада бошлиғи. Рихсивой ота тажрибасидан шуни биладики, одамлар билан хушмуомалалик, шароитни ҳисобга олиб ишлашгина яхши самара беради. У худди ишни ана шундай уюшқоқлик билан бошлади. Илгарилари аллақандай баҳоналар билан далага чиқмаётган кишилар ҳам энди коллектив меҳнатига ўз улушларини қўшишга интилдилар. Бригада аъзолари сони 40 кишидан 60 кишига ўсди. Ишда ҳам бурилиш ясалди. Бу йил бу аҳил оила 100 гектарга яқин майдонда сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштириш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Бригадада эртаги сабзавот ва картошка тошириш плани бажарилди. Ҳозирги вақтда бригадада помидор териш қизғин бормоқда. Шунингдек, бригада аъзолари олма боғларида етиштирилган мевани пешма-пеш териб олмоқдалар. Бригада ишларининг уюшқоқлик билан боришида Серикбой Қуроқбоев, Бўри Қурбонов, Наби Валиев каби сувчилар, Раҳима Ашрапова, Замира Раҳимжонова, Робия Мирзаҳамдамова сингари колхозчилар бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

— Ҳозирча бригадамиз колхоз бўйича иккинчи ўринда бормоқда,— дейди Рихсивой ота мамнунлик билан,— ўйлаймизки, социалистик мусобақада голибликни ҳам тез кунда қўлга киритамиз.

Ана шу иштиёқ билан меҳнат қилаётган колхозчиларнинг бирдан-бир орзуси шаҳарликларга кўплаб сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари етиштириб бериш ва зиммасидаги план ҳамда мажбуриятларини ортиғи билан адо этишдир.

С. ҲАСАНОВ.

СОЛИ ЖЎРАЕВ

Садоқатли коммунист, моҳир ташкилотчи ва жамоатчи, Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз правлениесининг раиси Соли Жўраевни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди.

Соли Жўраев 1928 йилда Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Йўнгичкали қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

У дастлаб Ўрта Чирчиқ районидаги «Учлик» колхозида ҳисобчи, сўнгра звено бошлиғи, бригада бошлиғи ва ҳосилот бўлиб ишлади. Кейинроқ колхоз раҳбар кадрлари мактабини тамомлади.

1950 йилда Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Армиядан қайтгач қишлоқ хўжалигида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади.

1965 йилда С. Жўраев Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз правлениесига раис қилиб сайланди.

Партия ва ҳукуматимиз унинг хизматларини юксак тақдирлади: С. Жўраев Ленин ордени ва бир нечта медаллар билан мукофотланган.

Колхоз ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси, меҳнаткаш ва меҳрибон инсон С. Жўраевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда узоқ йиллар яшайди.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

АЁЛЛАР ЖАСОРАТИ

Бундан 32 йил бурун фашист газандаларининг азиз тупроғимизга бостириб киргани ҳақидаги шум хабар Сибирь ўлкасининг энг чеккасидаги қишлоқга ҳам етиб боради. Яратувчилик, меҳнат билан банд бўлган қишлоқ йигитлари партия чақириғи билан она-Ватан ҳимоясига отланишади. Муштипар аёллар, қизлар ўз ота ва ака-укаларини фронтга кузатишади.

Дала ва фермалардаги оғир меҳнат, оила тебратиш заҳматкаш аёллар зиммасига тушади. Район партия комитети Фин урушида бир қўлидан ажралиб келган коммунист Григорий Алексеевич Плетновни колхозга раис қилиб юборади. Қишлоқ ҳаётида машаққатли кунлар бошланади.

Омсклик журналист Николай Анкиловнинг «Солдат беваси» деб номланган пьесаси шу зайлда бошланади. Максим Горький номидаги рус академик давлат драма театри коллективи яқинда бу пьесани саҳнага олиб чиқди. Урушнинг оловли йилларида фронт ортида туриб жасорат кўрсатган матонатли рус аёлларининг образи яна бир бор ўзбек тамошабинлари эътиборига ҳавола этилди.

Спектаклда иштирок этган қарийб барча артистлар ўз қаҳрамонлари образини тўлақонли чиқаришга ҳаракат қилишган. Бу ўринда колхоз раиси Плетнов ролини юксак дид ва маҳорат билан ўйнаган республика халқ артисти М. Ф. Мансуров устида тўхталиб ўтмоқчимиз. У раисга хос бўлган барча ҳислатларни ўзида мужассамлантирган. Зарур пайтда хўжалик ишига содиқ бўлиб, планни дўндираётган колхозчилардан Просковья ва Полинани эъзозлаб, иззат-ҳурмат қилади, қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлайди. Фойдали меҳнатдан қочиб бойлик орттириш йўлига тушиб олган Клавдия Масловага муросасиз бўлса-да, уни уришиб-жеркимайди, хатоларини ётиги билан тушунтиради. «Ҳадемай, фронтдан эринг қайтади. Эртадан далага чиқиб аёллар билан бирга меҳнат қилгин деб калбини овлайди. Жажжи болаларининг очлиқдан азоб чекаётганини кўрган Пелагея колхоз омборидан бир сиқим дон ўғирлаб кетаётганида уни аёллар тутиб олиб идорага олиб боришади. Кўплар Пелагеяни судга бериш керак деб дағдаға солишганида раис мажлис аҳлига бу аёлнинг ўғриликка атайлаб қўл урмаганлигини тушунтиради. Артист Михаил Филиппович раис образини ҳар томонлама ишонарли даражада ижро этган.

Ферма мудири Савелий Данилович, ишчан аёл Полина Антонова, коммунист Мария Капитонова ролларини ижро этган Ўзбекистон халқ артистларидан М. Р. Любанский, К. Г. Ефремова ва артист В. И. Филатовалар улар образларини, қизиқарли олиб чиқишган.

Пьесада ҳали қиёмига етмаган образлар ҳам учраб туради. Савдо-сотиқ билан шуғулланиб колхоз ишидан бош тортиб юрган Маслова образи ишонарли чиқмаган. Артист З. Мохова персонаж характерининг ўзига хос томонларини очиб беролмаган. Спектаклнинг барча кўринишларида бир гуруҳ аёллар иштирок этишади. Улар зарурати бўлган-бўлмаганда саҳнага гув этиб кириб, яна шу ҳолатда чиқиб кетишади. Улар етакчи қаҳрамонлар образини бойитиш учун хизмат қилишлари керак.

Умуман олганда театр коллективи уруш йилларида фронт ортида туриб меҳнат намуналарини кўрсатган қишлоқ аёллари образини яратиб берувчи бу темага қайтиб яхши иш қилган. Асар ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари учун айниқса катта аҳамият касб этади. Уларда уруш йиллари меҳнат фронтида туриб мардонавор кураш олиб борган хотин-қизларга меҳр-муҳаббат уйғотади.

Куни кеча шу спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Шаҳар жамоатчилиги, театр шинавандалари пьесани муносиб баҳолашди.

И. ЮСУПОВ.

ТЕАТР

Спорт

БОЙ БЕРИЛГАН ҒАЛАБА

«Пахтакор» футболчилари иккинчи давранинг биринчи ўйинини мусобақа пешқадами Ереваннинг «Арарат» командаси билан ўтказдилар. Пахтакорчилар кучли рақибга қарши дадил ўйнадилар. Учрашув бошлариданоқ меҳмонлар ҳимоячиларини шошириб қўйдилар. Лекин шунга қарамай биринчи бўлиб «Арарат» ҳисобни очди. Погосов қийин вазиятда тўпни Говоров дарвозасига йўналтира олди. Тошкентликлар олти минут ўтгач жавоб тўпи киритдилар. М. Ан ошириб берган тўпдан Лисановский моҳирона фойдаланди. 27 майдан буён ўз дарвозасини даҳлсиз сақлаб турган А. Абрамян биринчи марта тўпни тўр ичидан олиб чиқишга мажбур бўлди. Бу муваффақият мезбонларни руҳлантириб юборди. Улар ҳужумни кучайтирдилар ва 30-минутда Абдураимов зарбасидан сўнг ҳисобни 2:1 қилдилар.

Танаффусдан кейин «Пахтакор» ҳужум қилишда давом этган бўлса ҳам аммо кўпроқ ҳимояни ўйлади. Ҳужумчиларга актив ёрдам бериб турган М. Ан ўрнига орқароқда ўйнайдиган Иванов туширилди. Ўйин тугашига ўн беш минут қолганда эса матчни жуда яхши ўтказган Лисановский ҳимоячи Иванков билан алмаштирилди. Иванков майдонда ўз ўрнини эгаллаб улгурмасданоқ меҳмонлар ҳисобни тенглаштиришдилар. Эпчил ҳужумчи Маркаров Говровнинг қўлидан чиқиб кетган тўпни тўрга йўналтирди. Ўйин тугашига уч минут қолганда эса пахтакорчилар дурангни ҳам бой беришди. Ҳисоб 2:3.

Иккинчи давранинг биринчи тур ўйинларидан тўрттаси асосий вақт ичида дуранг бўлиб тугаб, ғолибни ўн бир метрликлар билан аниқлашга тўғри келди. Жумладан, Москва спартанчилари «Шахтёр» билан 0:0 ҳисобида ўйнагач, штраф зарбаларини муваффақиятли бажариб очко олдилар — 5:1. Минск динамочилари Ростов армиячилари билан, Москва динамочилари «Зенит» билан асосий вақт ичида 1:1 ҳисобида дуранг қилиб, штраф зарбалари ёрдамида ютуққа эришишди. «Торпедо» — ЦСКА учрашуви 2:2 ҳисобида тугади. Ун бир метрликлардан сўнг Москва армиячилари бир очко олишди. «Динамо» (Киев) — «Днепр» — 5:2, «Динамо» (Тбилиси) — «Қайрат» — 3:0, «Заря» — «Карпати» — 4:1 ҳисобида тугади.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Командалар	Ю	Ю-11	М	Т	О
Арарат	10	2	4	29-12	22
Динамо К	7	3	6	22-14	17
Динамо М	7	3	6	21-14	17
ЦСКА	7	3	6	19-20	17
Заря	8	0	8	21-11	16
Динамо Тб	6	4	6	18-14	16
Шахтёр	7	2	7	15-16	16
Спартак	7	1	8	21-18	15
Днепр	6	3	7	21-22	15
Торпедо	7	0	9	19-16	14
Қайрат	5	3	8	12-22	13
Зенит	4	2	10	17-19	10
Динамо Мн	4	1	11	11-16	9
Пахтакор	4	1	11	19-26	9
Карпати	3	3	10	13-27	9
СКА	2	3	11	8-19	7

Ҳамшаҳарларимиз навбатдаги ўйинларни Олмаотада (22июль), Москвада (28 июль ва 8 августда) ўтказадилар.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ УЧУН

ЖОНАЖОН пойтахтимизда ҳозир капитал қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Ғазалкентдаги тошга ишлов бериш комбинатининг ишчилари шу қурилишлар учун кўплаб мармар ва гранит материаллари етказиб беришмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун курашаётган меҳнатсеварлар олти ойлик давлат планини муддатидан илгари адо этдилар. Шу давр мобайнида пландан ташқари 139 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қурилиш ташкилотларига 2 минг 146 квадрат метр мармар, 733 квадрат метр гранит плиталари етказиб берилди. Корхонанинг Усмонов, Тўйчиев, Исроилов каби илғор ишчилари шахсий мажбуриятларини ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қардош Тожикистон, Қирғизистон, Озорбайжон республикаларига ҳам кўплаб жўнатилмоқда. Булардан ташқари яқинда Тошкент метроси учун мармар ва гранит буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Р. КУЧАРОВ.

ЧАКМОК

ҲУНАРСИЗ ЙИГИТ

Ўқиш жонимга тегиб кетганидан мактабни омон-эсон битириб олсам бир ишлай, ҳарқолда иш ўқишдақа диққинафас эмасдироа, деб юрардим. Ниҳоят бир амалдаб ўннийм битирдик. Аттестат чўнтакда, муносиброқ иш ахтара бошладим.

Хўш, қайси ишга кирсамийкин? Завод биздан анча узоқда. Боғчаясли биз йигитларга бўлмайди. Кутубхона тинчроқ иш эди, бироқ, техникумни битириб келган қизлар бор эмиш.

Шу зайил иш танлаб уч-тўрт ой сандирақлаб юрдим. Баъзилар: «Каникулга улгуржисига чиққанмилар, кўпроқ ўйнаб қолдилар», деб пичинг қила бошлашди.

Колхозда ишлашни унча ёқтирмасам ҳам одамларнинг таънаси жонимга тегиб, битта ариза билан раисига рўпара бўлдим.

— Яхши, яхши,— деди раис кулиб.— Колхозда бир тер тўкай дебдиларда, Солиқбой.

— Шундай, раис ака, шундай.

— Яхши.

Раис аризамни қўлида айлантириб туриб 3—4 вазифанинг номини айтвди, бирортаси кўнглимга тўғри келмади. Ниҳоят:

— Ҳм-м-м. Ука, бригадирликка илм, тажриба керак. Хўш, табелчилар етарли. Машина ҳайдолмаслигингни биламан,— деди ва бир оз ўйлаб туриб,— тўхта секретарь қизимиз яқинда ўқишга кетувди. Ҳалибери қайтмайди. Шу вазифани сен дўндириб турсанг.

— Майли,— дедим суюниб.

Ҳа-да, колхоз секретарлиги ҳам иш бўлибдими, Насибахон ҳар замон жиринглаб қолган телефонга жавоб қайтариб қўярди, вассалом.

Бу иш қанақалигини бошимга тушганда билдим. Ростини айтсам, истансасиям, соатиям йўқ экан, бу ишнинг. Ўтириш жойим раис қабулхонаси,иш деганингиз тоғтоғ, бошлиқларнинг кўплигини айтмайсизми. Раис бригадаларда культивациянинг бориши ҳақида районга телефонда бериб қўй деса, партком қўлимга конверт бериб, ҳозир райкомга боришимни тайинлайди. Райондаги аллақайси ташкилот бошлиғи бирор сводкани сўраб турган пайтда, беш-олтита колхозчи справка деб, қистовга олади. Иккита колхозчига справка ёзиб улгурмасдан бош ҳисобчи кириб даг-даға қилади:

— Бунчаям латта бўлмасанг, сводкани чатоқ берибсан.

Бош ҳисобчининг қораси ўчмай кассир киради:

— Ука, раисни топиб, шунга қўл қўйдириб келгин. Бугун колхозчиларнинг иш ҳақларини тарқатмасам бўлмайди.

Остонага етмасимдан телефон жиринглайди. Кимдир парткомни чақир дейди.

— Ўйи анча олисда-да,— жавоб бераман ёқинқирамай. Чақирмасангиз бўлмайди дейди, дўриллаб.

Парткомникидан келсам, беш чоғли табелчининг хуноби ошиб ўтирипти. Баравар ёпишиб кетишди:

— Қанақа секретарсан ўзинг?! Қачон келсак, жойингда бўлмайсан.

Хуллас, ҳар куни аҳвол шунақа. Қатъий қарорга келдим, аниқ ҳунаринг бўлмагач иш чатоқ экан, эртагаёқ далага чиқаман!..

С. ЖЎРАЕВ.

ЎҚИГАН-У, УҚМАГАН

Кўчада Оқилбобо дўсти билан суҳбатлашиб ўтирарди. Уларнинг олдидан чоллар, ёшлар, аёллар, у ёқдан-бу ёққа ўтишиб туришарди. Ҳаммаси бу икки нуроний чолга қўлларини кўксига қўйиб, бошларини сал эгиб салом бериб ўтишарди. Чоллар эса мақомини келтириб «Ваалайкумассалом» дейишарди. Еш болалар салом беришса айниқса сертакаллуфлик билан алик олиб, орқасидан «баракалло, баракалло» деб мақтаб қўйишарди.

—Салом одамнинг ҳусни, — деди биринчи чол.

—Салом одамнинг одамлигини билдиради, — деди Оқилбобо.

Хуллас чоллар салом ҳақида баҳслашиб ўтиришганди.

Узоқдан олифта кийинган шляпали йигит кўринди. У кеккайганча ўзига бино қўйиб кўчанинг ўртасидан келарди. Йигитнинг орқасидан ўғилчасини етаклаб хотини ҳам келарди. Йигит чоллар олдидан ўтар экан, уларга кўз қири билан бир қаради-ю индамай ўтиб кетди. Сал орқада келаётган бола етаклаган хотини эса чоллар олдидан ийманиб ўтар экан, бир қўлини кўксига қўйиб мулойим оҳангда салом берди. Оқилбобо атайлаб баланд овоз билан «Ваалайкум ассалом, баракатоп қизим, падарингга минг раҳмат» деб қўйди.

— Бу жувонинг эри хўп ўқиган илмли йигитга ўхшайди, — деди иккинчи чол.

—Ўкиган бўлса ўқигандир. Лекин ўқиб-ўқиб одамгарчиликни ўқмаган экан, —деди Оқилбобо.

Б. ХАЛИЛОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Ўғилгинамдан ўргилай, энди бир ойгача «лавровий лист» олмайдиган бўлдим...

— Вой ўлай карнай-сурнай қилиб келин туширгандим, энди у ўйин кўрсатяпти...

...Юракларим набоб айлай.

Сўзсиз сурат.
А. ҲОЛИКОВ чизган расмлар.

ҲАР ТЎҒРИДА

СОВРИН-СУҚИРНИКИ

Мельбурнлик (Австралия) кўзи ожиз мерганлар кўзи соғлар командасини мусобақага чақириб, кетма-кет уч марта голиб чиқишди. Бунда уларга транзистор ёрдам берган. Ушбу жажжи аппарат то милтиқ жуда тўғри бўлмагунча ҳар хил тартибсиз сигналлар чиқаради. «Олмас»и тўғри нишонга олинган сайин сигналлар тартибга туша боради.

Ниҳоят товуш бир текисда чиқиб отиш мумкинлигидан дарак беради.

«ТЕЛЕФОНДА ҲАЛОҚАЛАШ»

Исроил газеталари қароқчилар тўдасининг яқинда амалга оширган «операциясиға ана шундай ном берди. Қароқчилар банкларидан бирининг филиалини боплаб шилиб кетишган эди. Тўда аъзолари энг аввал филиал билан банкнинг Тель—Авивда жойлашган марказий идораси ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа қилинадиган телефон симини узиб, ўрнига ўзларига қарашли телефонни улаб қўйдилар. Кейин эса, улар телефон олдига қароқчилардан бирини қўйиб, банк филиалига кириб боришди ва катта миқдордаги пулни олиш учун қалбаки чек узатишди. Филиал чиновниклари чендаги пул миқдорини аниқлаш учун марказий идорага телефон қилишган эди, у томондан: «Ҳаммаси тўппа-тўғри» деган жавоб олишди. Қароқчилар эса пулни олиб, секингина ғойиб бўлдилар.

ПОРАГА ҚАРШИ ЧОРА

Нью-Йоркнинг полиция комиссари Патрик Мэрфи ўз қарамоғидаги «тартиб мутасаддилари» ўртасида авж олган порахўрликни тугатиш учун турли-туман чоралар кўришга мажбур бўлмоқда. Англиянинг «Дейли экспресс» газетаси хабар беришича, яқинда у пора олмайдиган, аксинча пора берадиган кишиларни қўлга туширадиган ходимларни кўп маошли лавозимларга тайинлашини эълон қилди. Бироқ порага қарши кўрилган бу янги чора қандай натижа бераётгани ҳозирча номаълум.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.10 — **Олтин калитча** (бадиий фильм). 12.30—МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телеқўғирчоқ театри. 19.05—Мультфильм. 19.15 Халқаро панорама (Москва). 19.45 — «Ахборот». 20.00 Ҳужжатли фильм. 20.55 — Ўн минут музика. 21.05—«Ахборот». 21.20 — Халқ талантлари. Абдулатиф Холдоров. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Эстрада концерти. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. 19.15 — «Прогресс» (Тошкент). 19.45 — Концерт. 20.55 — **Чорсанглик тўртовлон** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — Андрей Иванов лирикаси (Тошкент). 22.30—Эстония ГРЭСи қурувчилари билан учрашув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Севимли опералардан ариялар. **20.40 — Бадавлат келин** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ. ДА 17/VII да — **Аяжонларим.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қора шаҳзода — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли, «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун);

Умидимиз денгизи — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (19.00, 21.00);

Қорақум қўйнида — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (10.30, 22.00).

Катта сайр (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). Испан қизлари Парижда (кундуз ва кечқурун) — «ДРУЖБА»;

Мангу севги — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун);

Том Жонс — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун);

Текумзе — «КЎЙЧА» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун);

Анжелика ва қирол (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.30), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00);

Филлар — менинг дўстларим — (2 серия) — НАВОИЙ номли (12.30, 16.00, 19.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора шаҳзода — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли;

Қорақум қўйнида — «ХИВА»;

Ушалмаган орзулар — «РАКЕТА»;

Одиссей саргузашти — КИРОВ номли.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Индекс 64633.
В.1777. Р-04258.